

ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 5

Бухоро шаҳри

« 10 » « январ » 2022 йил

МЧЖ “КОРАКУЛ ПРЕССТИЖ” (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устав (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи рахбари Султонов Х. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Насос станциялари ва энергетика бошкармаси (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, узининг Низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бошлиги Носиров В.Х. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Суюлтирилган газ (пропан)	литр	7857	3500	27499500
	Жами:				27499500

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: « 31 » « декабр » 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **27499500** (Йигирма етти миллион тўрт юз туксон туккиз минг беш юз) сўми ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 8249850 сўми, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг, *10.01.2022* ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 19249650 сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил “ 31 ” декабр гача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қондага кўра, 30 фоиз миқдоридан олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

4252500

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинаши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «10» январдан – 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначиликда рўйхатга олинаши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Иқтисодий суди тартибда ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Иқтисодий судида хал қилинади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

9.2 Шартнома иккола тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки нусхада тузилди.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

МЧЖ «КОРАКУЛ ПРЕССТИЖ»

(ижрочининг номи)

Манзили: Коракул тум.
х/р 2020 8000 9044 4769 1001
банк номи: Асака Банк
Коракул тум.
ОКОНХ: 71211
МФО: 00120
ИНН: 205959498

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Насос станциялари ва энергетика бошқармаси

(бюджет маблағларини олувчи номи)
манзили: Бухоро ш. Шербуд 4 кучаси 2-уй
тел/факс 225-14-78, 225-42-09
ш\хв: 100021860064017042402170007
ИНН: 201513178 ОКОНХ :22100
Газначилик булим номи: Бухоро
вилоят Газначилик бошқармаси
Газна х/р: 23402000300100001010
Банк номи: Тошкент.ш Марказий
Банкнинг ХККМ
МФО: 00014
Газначилик булинмаси ИНН: 201122919

Рахбар

Султонов Х.
(Ф.И.Ш.)



Рахбар:

Носиров В.Х.
(Ф.И.Ш.)



Бош юрисконсульт (ИМЗО ва Ф.И.Ш.):



Авезова М.

Гувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси: РВ № 866458